**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)***
**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
"25" 08 2018 йил

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти.
- Тошкент темир йўл муҳандислари институти.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи** ..... | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ..... | 4 |
| 1.2. | *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ..... | 4 |
| **2.** | ***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар** ..... | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ..... | 6 |
| 2.2. | *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ..... | 6 |
| **3.** | ***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** ..... | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ..... | 8 |
| 3.2. | *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ..... | 11 |

## 1. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режаси ва фан дастурлари | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш сохаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, декаплар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)*** бакалавриат таълим йўналиши – фан ва техника соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўлиб, қурилиш соҳасини ривожлантиришга, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, услублари ҳамда темир йўл бинолари лойиҳаларини бажариш ва тузилган лойиҳа натижаларини амалда қўллаш, бино ва иншоотларининг техник эксплуатацияси, турар–жой биноларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, энергия самарали саноат ва фуқаро биноларини лойиҳалаш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалавларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин*

**1.2.2. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

–темир йўл соҳасидаги турар–жой бинолари, меҳмонхона, ётоқхона, кам ва кўп қаватли турар–жой бинолари, жамоат бинолари, боғчалар, мактаблар, лицей–коллежлар, ОТМ ўқув бинолари, ҳокимият, давлат бошқаруви бинолари, барча турдаги саноат корхоналари бинолари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалавларнинг касбий фаолияти объектларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.*

***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- *темир йўл бино ва иншоотлари қурилишда меҳнат фаолиятини ташкил этиш;*
- *темир йўл бинолари лойиҳаларини бажариш ва тузилган лойиҳа натижаларини амалда қўллаш;*
- *меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш;*
- *меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш;*
- *меҳнатни моддий рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш;*
- *иш вақти сарфини кузатиш;*
- *темир йўл бино ва иншоотларнинг техник эксплуатациясини ташкил этиш;*
- *энергия самарали саноат ва фуқаро биноларини лойиҳаларини ишлаб чиқиш.*

**1.2.3. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- *илмий–тадқиқот;*
- *лойиҳа–конструкторлик;*
- *ишлаб чиқариш–технологик;*
- *ташкилий–бошқарув;*
- *фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш.*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалавларнинг касбий фаолияти турларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*– 5А340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (иншоотлар турлари бўйича);*

*– 5А340202 – Қурилишни ташкил этиш технологияси (турлари бўйича);*

*– 5А340203 – Инфратузилма объектларини қуриш (иншоотлар турлари бўйича);*

*– 5А340204 – Қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш;*

*– 5А340205 – Кўприклар, тоннеллар ва метрополитен қурилиши (иншоотлар тури бўйича);*

*– 5А340206 – Қурилиш иқтисодиёти* магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий–тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин.

## 2. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

**Бакалавр:**

• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

• тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга:

• тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий–тадқиқот фаолиятида:**

–танланган фаолият йўналишига мос келувчи илмий-техник ахборотлар, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни билиши;

–берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва ўтказиш, халқаро тажрибаларга мувофиқ лойиҳалашни автоматлаштиришнинг стандартлаштирилган пакетлари асосида математик моделлаштириш усулларини эгаллаган бўлиши;

–интернет тармоғидан энг янги маҳаллий ва халқаро илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириб топа олиши;

–бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тузиш, берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва бажариш усулларини эгаллаш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим***.

**Лойиҳа-конструкторлик фаолиятида:**

–темир йўл бино ва иншоотларини халқаро тажрибаларга мувофиқ архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари тўғрисида;

–фуқаро ва саноат бино ва иншоотларининг муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини лойиҳалаш борасида тасаввурга эга бўлиши;

–темир йўл соҳасидаги турар–жой, жамоат ва саноат бино ва иншоотларини халқаро тажрибаларга мувофиқ лойиҳалашни;

–юк кўтарувчи қурилиш конструкциялари ва ускуналарини автоматлаштирилган лойиҳалашнинг стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш ва конструкциялаш;

–ички ва ташқи тўсиқ конструкцияларни ҳисоблашни ва лойиҳалашни.

–лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, якунланган лойиҳавий-конструкторлик ишларини расмийлаштириш;

–ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Ишлаб чиқариш–технологик фаолиятида:**

– қурилиш объектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш ва маромига етказиш;

– турли қурилиш объектларининг айрим технологик жараёнларининг ҳисобий–технологик хариталарини халқаро тажрибаларга мувофиқ тузиш ва қўллаш;

– қурилишда қўлланиладиган материаллар ва конструкцияларнинг сифатини назорат қилиш;

– турар–жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;

– турар–жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) халқаро тажрибаларга мувофиқ тузиш;

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Ташкилий–бошқарув фаолиятида:**

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– халқаро тажрибаларга мувофиқ ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф–муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини халқаро тажрибаларга мувофиқ ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф–муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

**Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

– турар–жой, жамоат ва саноат бинолари конструкциялари, муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиши;

– технологик таъминлаш жиҳозлари, ускуналари ва воситаларини синов текшириши усулларини эгаллаган бўлиши;

турар–жой, жамоат ва саноат бинолар конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини халқаро тажрибаларга мувофиқ текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш усулларини аниқлаш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

## 3. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий фанлар;

ихтисослик фанлар;

қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, қурилиш индустриясида экологик масалаларни ечиш ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

ортогонал ва марказий проекциялашларга асосланган чизма геометрия усуллари,стандартлаш давлат тизими, конструкторлик ҳужжатлар мажмуаси, стандартлар, стандарт буюмлар ва конструкторлик ҳужжатлари,

конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемаси, ички кучларни аниқлаш, кесиш усули, кучланиш ва унинг турлари,чўзилиш ва сиқилиш, Гук қонуни, чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблаш, намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлаш,

бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемаси ва уларнинг кинематик анализи, таъсир чизиқлар назарияси, эластик системаларда кўчишларни аниқлаш, статик ноаниқ системалар ва уларни ҳисоблаш усуллари ҳамда узлуксиз балкалар, статик ноаниқ стерженли системаларни ҳисоблаш усуллари, иншоотларни ҳаракатланувчи юклар таъсирига ҳисоблаш усуллари,

ернинг шакли ва ўлчамлари, геодезияда қўлланадиган координата тизимлари, жойда чизикларни ориентирлаш, топографик режа ва карталар, уларда масала ечиш, геодезик асбобларнинг турлари ва уларнинг тузилиши, улар билан ўлчашларни бажариш, топографик-геодезик ўлчашлар турлари ва уларни бажариш, геодезик ўлчашлар натижасини ишлаб чикиш ва улар аниклигинибаҳолаш, масофадан туриб ерни зондлаш усуллари,

бино ва иншоотларни халкаро тажрибаларга мувофик лойиҳалашда ва куришда геологик маълумотларни, ҳисоботни, харита, кесмаларни тахлил килиш бўйича, берилган гидрогеологик маълумотларга асосан бино ва иншоотларнинг мустахкамлигини таъминлаш ҳамда тадкикот ва кидирув боскичларига қўйиладиган талаблар,

курилиш материаллари ва буюмларини тадкик килишнинг замонавий усуллари, композицион курилиш материалларининг таркиби, нано, микро ва макроструктураси, хоссалари ва уларни тайёрлаш, ресурс ва энергия тежамкор, экологик ҳавфсиз технологиялари,

турар–жой ва жамоат биноларининг ўзига хос ҳусусиятлари, уларга қўйиладиган талаблар, биноларнинг ҳажмий–тархий ва конструктив ечимлари, биолар ва иншоотлар лойиҳалашнинг физик–техник асослари, турар–жой ва жамоат бинолариии халкаро тажрибаларга мувофик лойиҳалаш,

курилиш тармоғининг республикамиз иктисодиётида тутган ўрни ва ижтимоий-иктисодий аҳамияти,

курилишда электр таъминоти системалари, курилишда қўлланидаган электрпайвандлаш курилмаларининг электр жиҳозлари,

курилиш машиналарининг турлари ва уларнинг қисмлари ҳакида умумий маълумотлар,

иситиш, марказлаштирилган иссиклик таъминоти тизимлари, бинолариш сув таъминоти, окова сув тармоклари ва жиҳозлари, совитиш, шамоллатиш тизимлари, биноларнинг газ таъминоти,

курилишда метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назоратининг мамалакат иктисодиётини ривожлантиришдаги илмий–амалий аҳамияти, ракобатбардош махсулот ишлаб чикариш ва уни экспортини таъминлаш учун ҳалкаро стандарт талаблари,

бино ва иншоотларнинг замин ва пойдеворлари, грунтли иншоотларни халкаро тажрибаларга мувофик лойиҳалаш, барпо этиш, уларнинг конструктив элементлари ва ечимларини замонавий ҳисоблаш усуллари,

меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти кулай шароитлари, антропоген омилларнинг объектлари, техникавий тизимлар ҳавфсизлигини таъминлаш лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

курилиш жараёнлари, бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси, курилишда ишларни бажариш лойиҳасининг таркиби ва уни ишлаб чикишнинг асосий қоидалари,

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини халкаро тажрибаларга мувофик шакллантириши:

темир йўл соҳасидаги саноат корхоналари ва ундаги бино ва иншоотларнинг асосий турлари, улардаги технологик жараёнлар, саноат бинолариии унификация, типлаштириш асослари ва йўналишлари,

бетон, темирбетон ва олдиндан зўриктирилган темирбетон ҳамда тош-гишт конструкциялар, кесим юзаси тўғри тўртбурчакли ва тавр шаклидаги темирбетон элементларни нормал ва кия кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш, эгилувчи ва сикилувчи темирбетон конструкцияларини мустаҳкамликка ва деформацияга ҳисоблаш,

бино ва иншоотлар курилишини меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти, курилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЭЛ) ва ишларни бажариш лойиҳасининг (ИБЛ) таркиби ва мазмуни.

зилзилаларнинг табиати ва келиб чиқиши сабаблари бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги назариясининг ривожланиши,

металл конструкцияларни ҳисоблашнинг замонавий усуллари ва уларнинг асосий элементлари ва бирикмаларини халқаро тажрибаларга мувофиқ тадбиқ этиш,

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олинади.

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда халқаро тажрибаларга мувофиқ чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўгри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| назарий таълим | -59,8% |
| аттестация | -7,9% |
| таътил | -14,7% |
| малака амалиёти | -14,7% |
| битирув малакавий иши | -2,9% |

Назарий таълим ҳажми “Ишлаб чиқариш ва техник соҳа” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | | |
|---|---|---|
| гуманитар ва табиий-илмий фанлар | - | 28,1 %; |
| умумкасбий фанлар | - | 42,3 %; |
| ихтисослик фанлар | - | 25,5 %; |
| қўшимча фанлар | - | 5,8 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002:651.1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), бино, иншоот, лойиҳа, халқаро тажрибаларга мувофиқ лойиҳалаш, автоматлаштирилган лойиҳалаш, иссиқлик ҳимояси, конструкция, ҳисоблаш, техник–иқтисодий кўрсаткичлар, конструктив ечим, конструктив система, қурилиш системаси, қурилишни ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, турар-жой бинолари, ҳажмий-тарҳий ечим, темирбетон конструкциялар, металл конструкциялар, ҳисобий юклар, деформация, бирикмалар, метрология, стандартлаштириш, саноат бинолари, сув таъминоти, канализация, шамоллатиш, замин, пойдевор, грунт, қурилишни ўюштириш ва режалаш.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**
**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори

_____ **М.Х. Расулов**

М.Ў. 2018 йил «3» август

"Ўзбекистон темир йўллари" Акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари

_____ **Э.Ш. Кадиров**

М.Ў. 2018 йил «3» август

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази директори

_____ **проф. Б.Х. Рахимов**

М.Ў. 2018 йил «7» август

Тошкент архитектура қурилиш институти

Ректор _____ **Р.Р.Хакимов**

2018 йил «7» 08

М.Ў.

«Тошгемирйўллойиҳа» МЧЖ

Директор _____ **Х. Д. Исмаилов**

2018 йил «7» 08

М.Ў.

**5340200 – "Бино ва иншоотлар курилиши (темир йўл бинолари)" таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1. | Бабаев А.Р. | Раис, Қурилиш факультети декани | |
| Аъзолари: | | | |
| 2. | Ризаев А.Н. | "Мухаидислик коммуникациялари ва тизимлари" кафедраси мудири, т.ф.д., проф. | |
| 3. | Пирматов Р.Х. | "Бино ва саноат иншоотлари курилиши" кафедраси мудири, т.ф.н., доцент | |
| 4. | Шермухамедов У. | "Кўприклар ва тоннеллар" кафедраси мудири, т.ф.н., доц. | |
| 5. | Лесов Қ.С. | "Йўл ва йўл хўжалиги илмий тадкикот лаборатория мудири", т.ф.н., доц. | |
| 6. | Мамадалиев А.Ю. | "Темир йўл курилиши, йўл ва йўл хўжалиги" кафедраси мудири | |

**Ўқув ишлари бўйича проректор** Каримова Ф.Ф.

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**

**Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

**5340200 – *Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)* бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари**

| т/р | Бакалавриат таълим йўналиши | | Бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1 | 5340200 | Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари) | **Касбий фаолиятнинг соҳалари:**<br>–фан ва техника соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўлиб, қурилиш соҳасини ривожлантиришга, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, услублари ҳамда темир йўл бинолари лойиҳаларини бажариш ва тузилган лойиҳа натижаларини амалда қўллаш, бино ва иншоотларнинг техник эксплуатацияси, турар–жой биноларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, энергия самарали саноат ва фуқаро биноларини лойиҳалаш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.<br>*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин*<br>**Касбий фаолиятнинг объектлари:**<br>–темир йўл соҳасидаги турар–жой бинолари, меҳмонхона, ётоқхона, кам ва кўп қаватли турар–жой бинолари, жамоат бинолари, боғчалар, мактаблар, лицей–коллежлар, ОТМ ўқув бинолари, ҳокимият, давлат бошқаруви бинолари, барча турдаги саноат корхоналари бинолари.<br>*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти объектларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.*<br>**Касбий фаолиятнинг турлари:**<br>• *илмий–тадқиқот;*<br>• *лойиҳа–конструкторлик;*<br>• *ишлаб чиқариш–технологик;*<br>• *ташкилий–бошқарув;*<br>• *фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш.* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | **Касбий фаолиятнинг умумий малака талаблари:**<br>-темир йўл бинолари қурилишига оид илмий-техник маълумотларни йиғиш, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;<br>-берилган услублар асосида қурилиш материаллари ва буюмларини, қурилиш конструкцияларини тадқиқот қилиш бўйича тажрибаларни қўйиш ва ўтказишда қатнашиш, ўтказилган тадқиқотларни ёзма равишда изоҳлаш ва олинган натижаларни тизимлаштириш;<br>-бажарилган экспериментал тадқиқотлар бўйича ҳисобот тузиш, олинган натижларни ва амалий ишланмаларни амалиётга жорий қилишда қатнашиш;<br>-темир йўл бинолариии автоматлаштирилган лойиҳалашда стандарт дастурлардан фойдаланиш;<br>-темир йўл бинолари, уларнинг муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини лойиҳалаш учун бошлангич маълумотларни тўплаш;<br>-автоматлаштирилган лойиҳалашнинг стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда темир йўл бинолари қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва конструкциялаш;<br>-лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, якуиланган лойиҳавий-конструкторлик ишларини расмийлаштириш;<br>-ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартларга мувофик келишини таъминлаш;<br>- қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш;<br>-темир йўл бинолари қурилишида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;<br>-темир йўл бинолари қурилишида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш ;<br>-намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;<br>-илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;<br>-темир йўл бинолари қурилишида маҳсулот сифатини бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;<br>-қурилиш-монтаж ишларининг технологик жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;<br>-замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб қурилиш-монтаж ишлари технологик жараёнларини назорат қилиш ва сифатини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш;<br>-атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб темир йўл бинолари қурилиши технологик жараёнларини назорат қилиш;<br>-темир йўл бинолари қурилишига оид муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ қилишни ташкил қилиш ва бошқариш;<br>-темир йўл бинолари қурилишида ишлаб чиқариш жараёнлари сифатини бошқариш;<br>-фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;<br>- темир йўл бинолари қурилишида звенолар ва бригадаларнинг ишини ташкил қилиш ва бошқариш;<br>-бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;<br>-қурилиш ташкилотлари ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ишини ташкил қилишишда ташкилий-режалаштириш ҳисобларини бажариш;<br>-темир йўл биноларининг конструкциялари, муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиши;<br>-технологик таъминлаш жиҳозлари, ускуналари ва воситаларини синов текширишидан ўтказишни билиши;<br>-темир йўл бинолари, уларнинг конструкциялари ва асбоб-ускуналарининг техник ҳолатини текшириш, ҳамда қолдиқ ресурсини баҳолаш ва аниқлашни билиши лозим. |

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**
**капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи** **А.М.Дусмухамедов**

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**
**Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи** **Н.С.Эркинов**

**Тошкент темир йўл муҳандислари институти**
**“Бино ва саноат иншоотлари қурилиши” кафедраси мудири** **Р.Х.Пирматов**

**Тошкент темир йўл муҳандислари институтида**
***5340200 –Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)***
**бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва малака талабларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент шаҳри "7" 08 2018 й.

Биз қуйида имзо қўювчилар – "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи А.М.Дусмухамедов, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори М.Х.Расулов, Тошкент архитектура қурилиш институти ректори Р.Р.Хакимов, "Тоштемирйўллойиҳа" МЧЖ директори Х.Д.Исмаилов, Тошкент темир йўл муҳандислари институти "Бино ва саноат иншоотлари қурилиши" кафедраси мудири – Р.Х.Пирматов Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги **5340200 – *"Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)"*** бакалавриат таълим йўпалиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режада келтирилган ўқув жараёни жадвали, фанлар ва соатлар таксимоти билан танишиб чиқиб ушбу далолатномани туздик.

Юқоридаги таълим мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режаси ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан кадрларга ва бошқа кадр истеъмолчилари томонидан қўйиладиган малака талаблар инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича ўқув режа ва малака талабларининг ишлаб чиқилишида: "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг конунлари, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг: 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга кабул килиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли карорларида, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйругида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофик **5340200 – *"Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)"*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режаси ишлаб чиқилган.

Таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ўқув режа ва малака талаблари бакавлариат фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

5340200 – "Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)" бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ўрнатилган тартибда тасдиклаш учун тавсия этилиши максадга мувофик.

**"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ**
**Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи** **А.М.Дусмухамедов**

**Тошкент темир йўл муҳандислари**
**институти ректори** **М.Х.Расулов**

**Тошкент архитектура қурилиш**
**институти ректори** **Р.Р.Хакимов**

**"Тошгемирйўллойиҳа" МЧЖ**
**директори** **Х.Д.Исманлов**

**“Ўзбекистон Республикаси Президентининг: 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)” бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасининг турдош олий таълим муассасалари билан**

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

**Тошкент ш.** **“ 7 ” 08 2018 й.**

**Қатнашдилар:**

1. Э.Ш. Кадиров – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари;
2. М.Х. Расулов – Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори, т.ф.н., доцент;
3. Ф.Ф. Каримова – Тошкент темир йўл муҳандислари институти ўқув ишлари бўйича проректори, т.ф.н., доцент;
4. Р.Р. Хакимов – Тошкент архитектура қурилиш институти ректори, п.ф.н.;
5. А.У.Мирисаев – Тошкент архитектура қурилиш институти ўқув ишлари проректори, т.ф.н., доцент;
6. Р.Х. Пирматов – Тошкент темир йўл муҳандислари институти, “Бино ва саноат иншоотлари қурилиши” кафедраси мудири т.ф.н., доцент;
7. У.Т.Юсупов – Тошкент архитектура қурилиш институти “Бино ва иншоотлар” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдикланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўкишган қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйругида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги **5340200 – *"Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)"*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаси нинг муҳокамаси:

**Сўзга чиқди:** Э.Ш.Кадиров – Маълумки, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини таҳлил қилиш жараёнида баъзи таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг номлари ўзгартирилди. Шунинг учун мазкур йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув режа ва малака талабларини яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдикланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдикланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўкишган қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйругида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофик 5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари) бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқув режа малака талабларини ишлаб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берди, уни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган ўқув режа ва малака талаблари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради. Ушбу масала юзасидан институтда олиб борилаётган ва амалга оширилган ишлар билан танишиб чиқсак.

**Эшитилди:** М.Х.Расулов – институт ўқув-услубий бўлими томонидан барча кафедра мутахассисларини жалб килган холда мазкур таълим йўналиши бўйича ўқув режа малака талаблари кўрсатилган директив хужжатларга асосланиб лойихалари қайта ишлаб чикилди.

Таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чикувчи Ишчи гурухлар қуйидаги таркибда фаолият юритди:

**340000 – Архитектура ва қурилиш таълим соҳаси бўйича:**

М.Х. Расулов – Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори, т.ф.н., доцент, Ишчи гурух раиси;

Ф.Ф. Каримова – Тошкент темир йўл муҳандислари институти ўқув ишлари бўйича проректори, т.ф.н., доцент, раис ўринбосари;

Р.Р. Хакимов – Тошкент архитектура қурилиш институти ректори, и.ф.н., доцент;

Р.Х.Пирматов – Тошкент темир йўл муҳандислари институти "Бино ва саноат иншоотлари қурилиши" кафедраси мудири;

А.У.Мирисаев – Тошкент архитектура қурилиш институти ўқув ишлари проректори, т.ф.н., доцент;

У.Т.Юсупов – Тошкент архитектура қурилиш институти "Бино ва иншоотлар" кафедраси мудири, т.ф.н., доцент.

Е.В.Щипачева – Тошкент темир йўл муҳандислари институти "Бино ва саноат иншоотлари қурилиши" кафедраси профессори, т.ф.д.;

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

